

## **IX 9Белгилар**

**Худо  
ҳаммани  
севадими?**



**Матт  
МакКуллоҳ**

**Жамоатга Доир Саволлар**

## Жамоатга доир саволлар тўплами ҳақидаги ижобий фикрлар

“Масиҳийлар жуда жиддий саволларга дуч келишади. Муқаддас Битиклар қандай қилиб жамоатни барпо этади, саждани тартибга келтиради, хизматни ташкил қилади ва каломдаги йўлбошчиликни таърифлайди? Бу “9Белгилар”га тегишли ушбу янги тўпланда аниқ, диққат билан ва қизиқарли тарзда жавоб берилган саволлардан бир нечта мисолларидир. Мен бу хизмат учун ва унинг кўплаб содиқ жамоатларга фавқулодда соғлом ва умид берувчи таъсири учун миннатдорман. Бу тўпламни бажонидил тавсия қиламан.”

**Р. Альберт Моллер** (R. Albert Mohler Jr.),  
Жанубий Баптист Илоҳиёт Семинарияси президенти

“Самимий саволлар мулоҳаза билан жавоб беришга арзийди. Агар сиз бу саволларга жавоб беришни нимадан бошлашни билмасангиз, бу тўплам ҳовузга сакраш учун трамплин сифатида сизга хизмат қилсин. Бу кичик китоблар қизиқарли даражада мақсадли ва битта дўст ёки юзлаб дўстлар билан бирга ўқиш учун ажойиб тарзда мос келади.”

**Глория Фурман** (Gloria Furman),  
*Вазифага эга оналик хизмати ва*  
*Чўпоннинг хотини* китоблари муаллифи

“Чўпон сифатида менга кўп саволлар беришади. Менга хушxabарни тушунишни истаётган имонсизлар, энди ҳаётида нима қилишни билмаётган янги имонлилар ҳамда имонли оила аъзолари, қариндошлари, дўстлари, қўшнилари ва ҳамкасблари саволларига жавоб олишни истаётган етукликка интилаётган имонилар мурожаат қилишади. Айнан шундай пайтларда уларнинг саволларига қисқача жавоб бера оладиган ва кейинги ўрганиш учун тўғри йўналиш кўрсата оладиган китобим бўлишини истардим. Жамоатга доир саволлар тўплами ана шу имкониятни тақдим қилади. Ҳар бир рисолада келтирилган масала каломга асосланган, ихчам ва амалий тарзда ёритилган. Тўплам Жамоат саволлари деб номланса бўлади, лекин у “Жамоат жавоблари” деб аталиши ҳам мумкин эди. Мен мунтазам равишда уларнинг бир нечтасини танлаб, бошқалар билан бўлишишмоқчиман. Сизга ҳам шундай қилишни тавсия қиламан.”

**Хуан Р. Санчес** (Juan R. Sanchez),  
“High Pointe” номли баптист жамоатида катта  
чўпон, Аустин шаҳри, Техас

“Биз, масиҳийлар қалин ва қиммат китобларни варақламасдан туриб, жамоатдаги масиҳий ҳаёт ҳақида умумий саволларимизга ишончли жавобларни қаердан топа оламиз? Жамоатга доир саволлар тўплами бизнинг эҳтиёжларимизни каломга асосланган, чуқур ўйланган ва амалий бўлган жавоблар билан қондиради. Чўпонлар учун бу тўплам жамоат аъзоларини чуқур донолик ва мустаҳкам бирлик сари йўналтириш учун ишончли манба бўлиб хизмат қилади.”

**Рэй Ортлунд** (Ray Ortland),  
Қайта тиклаш хизматлари президенти



**Худо  
ҳаммани  
севадими?**



## Жамоатга Доир Саволлар

*Худо ҳаммани севадими?,*

**Матт Мак Куллоҳ**

*Менга устозлик қиладиган одамни қандай топсам бўлади?,*

**Ж. Гарретт Келл**

*Муқаддас Китобни ўқишдан қандай қилиб кўпроқ  
завқлана оламан?,*

**Жеремй Кимбл**

*Бошқача сиёсий қарашга ега бўлган жамоат  
аъзоларини қандай сева оламан?,*

**Жонатан Лиман ва Андй Населли**

*Жамоатимда қандай хизмат қилишим мумкин?,*

**Меттью Емади**

*Жамоатимиз қандай қилиб садоқатли чўпонни топа  
олиши мумкин?,*

**Марк Девер**

*Аёллар маҳаллий жамоатда қандай қилиб руҳан  
ўсишлари мумкин?,*

**Кери Фолмар**

*Жамоатдаги интизомий чорани қўллаш севги амалими?,*

**Жонатан Лиман**

*Ибодат қилишни хоҳламасам-чи?,*

**Жон Онвучеква**

*Жамоатга боришни хоҳламасам-чи?,*

**Гуннер Гундерсен**

*Хушxabарчилик фаолиятимдан қониқмасдан,  
умидсизликка тушсам-чи?,*

**Айзек Адамс**

*Ҳозир мен масиҳийман, нима қилишим керак?,*

**Сам Емади**

*Раbbимиз Кечлиги нима учун бу қадар муҳим?,*

**Аубрей Сеқуеира**



*Нима учун чўмдирилишим керак?*

**Боббй Жамиесон**

*Жамоатимга нима учун қурбонлик беришим керак?*

**Жамие Дунлоп**

*Нима учун жамоатга қўшилишим керак?*

**Марк Девер**

*Жамоатнинг вазифаси нима?*

**Жонатан Лиман**

*Мен нажотга еришганимга қандай амин бўлишим мумкин?*

**Жеремй Пиерре**

*Аёл киши чўпон бўлиши мумкинми?*

**Грег Гилберт**

*Жамоатга қатнамайдиган аъзолар борасида нима қилишимиз мумкин?*

**Алекс Дюк**

*Мен хизматга даъват етилганманми?*

**Брад Вҳилер**

*Халқаро елчилик хизматини қандай қўллаб-қувватлашим мумкин?*

**Марк Коллинс**

*Хушxabар соғлик ва фаровонлик ваъда қиладими?*

**Шон ДиМарс**

*Жамоатни ким бошқаради?*

**Сам Емади**

*Диаконлар (хизматчилар) нима қилишади?*

**Жуан Санчез**

*Мен жамоатда нимани излашим керак?*

**Алекс Дюк**

*Дўзах ҳаққонийми?*

**Дейн Ортлунд**

*Мен нимага ишонишим аҳамиятга эгами?*

**Самуэл Жеймс**

# Худо ҳаммани севадими?

Муаллиф Матт Мак Куллоҳ  
[Matt McCullough]

*Худо ҳаммани севадими?*  
Матт Мак Куллох томонидан  
Муаллифлик ҳуқуқи © 2023 йил  
Марварид Хизматлари

*Does God Love Everyone?*  
by Matt McCullough  
Copyright © 2021 “9Marks”  
Crossway  
1300 Crescent кўчаси  
Уитон шаҳри, Иллинойс штати 60187 да чоп этилган.

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Бу нашрнинг бирор қисми қайта чиқарилиши, қидириш тизимида сақланиши ёки бошқа шаклда, бошқа йўл билан, электрон, механик, фотонусха, кўчириб олиш ёки бошқа усул билан нашриётни олдиндан огоҳлантирмай етказилиши мумкин эмас. АҚШнинг муаллифлик ҳуқуқида кўзда тутилган қонунлари бундан мустаснодир. Crossway АҚШда рўйхатдан ўтган савдо белгиси ҳисобланади.

Originally published in English by Crossway with all International rights owned by Crossway and 9Marks.

This edition published by arrangement with 9Marks.

All rights reserved.

Муқова дизайни: Jordan Singer  
First printing 2021.  
АҚШда чоп этилган.

Муқаддас Битиклардан парчалар 2023 Муқаддас Ёзувнинг Сўзма-Сўз Таржимасидан олинган [ССТ]. Рухсат билан ишлатилади. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.

Муқаддас Битиклардан олинган парчалардаги таъкидлар муаллиф томонидан киритилган.

9Marks ISBN: 978-1-960877-46-8

Чунки Худо дунёни шунчалик севдики,  
Ўзининг Ягона Ўғлини берди, токи Унга  
ишонган ҳар бир киши ҳалок бўлмасин,  
балки абадий ҳаётга эга бўлсин.

Юҳанно 3:16





Худо ҳаммани севишига ишонасизми? Агар ишонсангиз, сизнинг фикрингизга қўшиладиганлар кўп.

Бир неча йил аввал бир гуруҳ тадқиқотчилар одамларнинг Худо ҳақида қандай фикрда эканига доир сўровнома ўтказганлар. Кўплаб қизиқарли нарсалар орасида улар ҳар тўртта вояга етганлардан учтаси Худога ёки камчиликларига қарамасдан, барча одамларни севадиган олий кучга ишонишларини аниқлаганлар.

Ушбу сўровнома натижасига қандай қарасангиз ҳам, бу катта рақам ҳисобланади. Лекин мени энг қизиқтирган нарса шундаки, бизни ажратадиган барча тоифаларга қарамай Худога бўлган бундай ишонч юқориликгича қолмоқда.

Сўровномада аёлларнинг фоизи бироз юқорироқ бўлган (82 фоиз), шунга қарамай Худо ҳаммани яхши кўришига ишонадиган эркеклар 72 фоизни ташкил қилган.

Олтмиш беш ва ундан катта ёшдаги одамлар

Худо ҳаммани бирдек севишини тасдиқлайди (83 фоиз), лекин ўттиз ва қирқ ёшлар орасидагиларнинг 72 фоизи ҳам шу фикрга қўшилган.

Қанчалик маълумотли бўлсангиз, Худонинг севгисига ишонишингиз эҳтимоли шунчалик кам бўлади, лекин шунга қарамай, коллеж маълумотига эга бўлган 70 фоиз ёшлар шу фикрга ишонади.

Бирорта динга мансуб бўлмаган сўровнома иштирокчиларининг ярми меҳрибон олий кучнинг борлигига ишонади.<sup>1</sup>

Сезиларли келишмовчиликларга қарамасдан, кўпчилик одамлар Худо ҳаммани севиши ҳақидаги фикрга қўшиладилар.

Эҳтимол сиз ҳам шундай фикрдадирсиз. Сиз доимо Худо ҳаммани севади, деб ўйлаган бўлишингиз мумкин. Аслини олганда, ҳаммани севиш бу Унинг иши ҳисобланади. Нима тўғри экани ҳақида фикрларимиз қанчалик бир-бирига тўғри келмасин, биз жилла қурса Худонинг ҳеч нарсага қарамасдан бизни севишига умид қилишимиз мумкин.

Агар сиз шундай фикрда бўлсангиз, у ҳолда мазкур рисола сизни ҳайрон қолдириши мумкин.

Эҳтимол, сиз бу рисолага бошқа нуқтаи назардан ёндаётгандирсиз. Балки Худо ҳаммани севадими дея сўраётгандирсиз, чунки *У сизни* севишини тасаввур қила олмайсиз. Ахир, сиз ҳатто ўзингизни севмайсиз ва танишларингиздан

бирортаси сизни севишига ҳам ишонмайсиз. Агар сиз Худо бўлганингизда, ўзингизга ўхшаган одамни севамаган бўлардингиз.

Агар шундай фикрда бўлсангиз, бу рисола сизни ҳам ажаблантиради.

Худо ҳаммани севадими ёки йўқми деб сўрашдан аввал яна бир саволни беришимиз керак: Худо ҳаммани севишини қандай *билимиз*?



## Худо ҳаммани севишини қандай биламиз?

Бу саволга жавоб бериш осон эмас. Қийин дейишимизнинг камида иккита сабаби бор.

*Биз табиатга қараш билан Худо ҳаммани севишини била олмаёмиз.*

Бизнинг дунёмиз лаззатларга тўла ва уларнинг кўпчилигидан ҳатто бармоқларимизни қимирлатмасдан туриб ҳам лаззат олишимиз мумкин. Ердаги шароитлар ерда яшашимиз учун жуда қулайдек туюлади. Гўёки бу дунё бизнинг гуллаб-яшнашимизни истаган Яратувчи томонидан яратилгандек, атрофимизни пухталиқ билан яратилган дизайн белгилари ўраб туради. Нафас олишимиз учун ҳаво, ейишимиз учун озуқа, ичишимиз учун сув, исинишимиз учун қуёш нури бор. Бизга дунё тақдим қиладиган инъомлардан роҳатланишимиз учун таналаримиз бор. Илм-фаннинг сўнгги ютуқларига қарамасдан биз ҳали ҳам таналаримизнинг нима учун шу даражада яхши ишлашини тушунмаймиз.

Бундан ташқари, бизнинг фикрлаш, тасаввур қилиш, орзу қилиш ва яратиш каби қобилиятларимиз мавжуд. Биз бошқа одамлар билан муносабат қилишга, дўстона муносабатлар ўрнатишга ва биргаликда яхши иш қилишга қодирмиз.

Агар севгининг ўлчови машуқага ёғиладиган совғалар сифати бўлса, табиатда еру осмоннинг Яратувчиси буюк севги эгаси экани ҳақида кўп далиллар бор.

Муаммо шундаки, табиат бизга аралаш бўлган сигналларни юборади. Ўзининг бутун гўзаллиги ва яхшилигига қарамай, дунёмизда рад қилиб бўлмайдиган шафқатсизлик ва маъносиз азоб-уқубатлар ҳам бор. Бизнинг фаровонлигимиз учун жуда нозик тарзда созланган табиий муҳит баъзан бизга қарши чиқади.

Ушбу мақолани ёзишни бошлашимдан бир ҳафта аввал кўпчилигимиз ухлаб ётган пайтимизда шаҳримизнинг қоқ марказидан вайронкор торнадо ўтди. У уйлар ва корхоналарни вайрон қилди, юзлаб одамларга шикаст етказди ва йигирмадан ортиқ одамни нобуд қилди.

Ҳозир мен бу рисолаи ёзар эканман, дастлаб Хитойдаги шаҳарни қамраб олган вирус бутун дунё бўйлаб тарқалмоқда. Миллионлаб одамлар бу касалликка чалинган. Юз минглаб одамлар ўлди.

Шундай мураккаб ва юқори даражада функционал бўлган таналаримиз, баъзан аниқ

сабабсиз бузилишлар билан туғилади. Ҳатто энг яхши шароитларда ҳам улар охирида бузилади ва ўлади.

Дунёни гўзал ва шу билан бирга номукам-маллигини ўйлар эканмиз, бу аниқ тасодиф буларнинг барчаси ортида нима турибди каби хаёлдан кетмайдиган саволларни ҳосил қилади. Нима учун баъзи болалар зўравонлик ва эътиборсизликда туғилади, болани орзу қилган оила эса бепуштлиқ ва бола ташлашдан азоб чекади? Мен бунинг сабабини билмайман. Булар севги туфайли содир бўладиганга ўхшамайди.

Дунёни яратган ва энди ҳамма устидан ҳукмронлик қилувчи Худо бор, деб фараз қилайлик. Ўша Худо бирор кишини яхши кўрадимиз? Бунга қандай қилиб аниқ билиш мумкин? Қаерга қараманг ва қанчалик уринманг, табиатдан бевосита жавоб олмайсиз.

*Худонинг кимлиги ва Унинг севгиси қандай эканлиги ҳақидаги ўз тахминларимизга ишона олмаймиз.*

Биз бошқа одамни тушунишга ҳаракат қилгандек, Худони ҳам тушунишга ҳаракат қилишимиз керак. Агар биз бошқа одамларни ўзимизга ўхшаган деб ўйласак, уларни ҳақиқатдан ким эканини билиб олиш ҳар доим қийин кечади. Худо билан ҳам шундай. У шунчаки ғоя ёки фалсафий тизим эмас, балки

шахсдир. Агар биз Уни билишни истасак, Унинг қандайлигини шунчаки сезгимизга таяниб тахмин қила олмаймиз.

Келинг, бу фикримни аниқроқ тушунтириб бераман. Мен шанба куни маза қилиб дам олиш учун нима қилиш кераклигини яхши биламан. Агар баҳор ёки ёз фасли бўлса, мен пиёда сайр қилишни ёки балиқ овлашни яхши кўраман. Агар куз бўлса, диванда ўтириб футбол томоша қиламан. Томоша қилаётиб, шундай пайтда ейиш одатга айланган овқатлардан (пицца, хот-дог, картошга салат, гамбургер, ва ҳоказолар . . .) тўйгунимча ейман. Лекин бўш вақтларимизни қандай ўтказиш масаласида хотиним билан истакларимиз турлича. У менга ўхшамайди. У ҳар-хил усулда дам олишни яхши кўради. У ҳовлида ишлаганида, боғнинг у ер бу ерларини чопганида, мизғиб олганида ёки уйдаги ишларни қилганида маза қилиб дам олади. Мизғиб олишни айтмаса, юқоридагиларнинг бирортаси менга дам олишдек туюлмайди.

Айтмоқчиманки, агар сиз бошқа одамни ўзингизга ўхшаган деб ўйласангиз, уни тушуна олмайсиз. Агар бошқа одамни тушунмоқчи бўлсангиз, у ҳолда сиз уни тинглашингиз, унга эътибор беришингиз ва унинг қандай одам эканини кузатишингиз керак бўлади. Агар бу усул одамлар ўртасидаги муносабатларда иш берадиган бўлса, биздан мутлақо фарқ қиладиган

Зотни - Худони тушуниш ва Уни билиш ҳақида гап кетганида, бу қанчалик кўпроқ иш беради?

*Худо Ўзининг кимлигини айтиши зарур*

Худо кимни севишини билишимиз учун Худо бизга гапириши керак. Масиҳийларнинг фикрига кўра, айнан шуни Худо Муқаддас Китобда амалга оширган. У бизга Ўзининг кимлигини нафақат У ҳақида билишимиз учун, балки Уни англаб етишимиз учун гапирган.

Муқаддас Китобда Худонинг севгиси ҳақида айтилган ҳақиқат ҳайратланарли даражада гўзалдир.

- Худонинг севгиси – бу ўзига хос хусусият бўлиб, у Худони бошқалардан ажратиб туради. “Осмонда ҳам, ерда ҳам Сенга ўхшаш Худо йўқдир. Бор юраги билан Сенинг юзинг қаршисида юрадиган Ўз қулларингга Сен аҳдингни ва шафқатингни сақлайсан” (2-Йилномалар 6:14).
- Худонинг севгиси ҳатто таърифлаб бўлмайдиган оғриқ ичида ҳам ишончлидир. “Раббийнинг шафқати туфайли бизлар йўқ бўлиб кетмадик, зеро

Унинг раҳмдиллиги тугаган эмас, у ҳар тонгда янгиланади. Сенинг садоқатинг буюқдир! (Йермияҳнинг йиғиси 3:22–23).

- Худонинг севгиси ноёб ва ишончлидир, чунки бу Худо ўчирадиган ва ёқадиган тугма эмас, балки Унинг кимлигини белгилайдиган сифатидир. “Худо Ўзи севгидир” (1-Юҳанно 4:8).

Агар сиз Худонинг севги эканлигига ишонсангиз, демак, Муқаддас Китоб сизга қандайдир даражада таъсир қилган.

Лекин эҳтиёт бўлишимиз керак. Биз “Худонинг Ўзи севгидир” деган иборани эшитиб оқ ўзимизнинг севги ҳақидаги фикрларимизга суюнмаслигимиз керак. Агар Худонинг Ўзи севги эканини ўргатадиган ягона манбаимиз Муқаддас Китоб бўлса, у ҳолда биз Муқаддас Китоб Худонинг Ўзи севги деганда *нимани англатишини* тўлиқ тарифлашига рухсат беришимиз керак. Бизнинг тушунчаларимизга зид келган тақдирда ҳам Муқаддас Китоб бизга Худонинг севгиси ҳақида ўргатишига йўл қўйиб беришимиз керак.

Хуллас, Муқаддас Китобда Худо кимни севиши ҳақида нима дейилган?

## Худо ҳаммани севадими?

Муқаддас Китобда Худо Ўзини бир неча бандлардан иборат рўйхат орқали эмас, балки Ибтидодан Ваҳийгача бўлган бир-бирига боғлиқ жозибали ҳикоя орқали кўрсатади. Бошидан то охиригача бу ҳикоя севги ҳикоясидир. Худо кимни севишини тушуниш учун биз ушбу ҳикоянинг асосий мавзуларини босқичма-босқич кузатиб боришимиз керак.

Рухсат берсангиз, юқоридаги саволимизга жавоб топишга киришишдан аввал рисоланинг давомида бизни нималар кутаётгани ҳақида қисқача маълумот берсам. Муқаддас Китобда Худонинг севгиси ҳақидаги мавзу мураккабдир. У бизга Худонинг ҳаммани яхши кўришини тасдиқлайди. Лекин Худо ҳаммани бирдай севмайди. Мен ушбу рисоланинг давомида тушунтирмоқчи бўлган жавоб шундай: **Худо ҳаммани яхши кўради, лекин У ҳаммани бирдай севмайди.**

Буни тушуниш учун Муқаддас Китоб марказий ҳикоясининг бешта босқичини кўриб чиқишимиз керак.

## 1. Худо Худони севади

Юҳанно бизга Худо севгидир, дейди (1-Юҳанно 4:8). Бу Худода севги бор дегани эмас. Бу Худонинг баъзи жойларда севги кўрсатади дегани ҳам эмас. Аксинча, Худо Ўз моҳиятига кўра севгидир.

Бу Муқаддас Китобнинг марказидаги севги ҳикояси дунё яратилишидан аввал бошланганини англатади.

“Бошида Худо. . .” (Ибтидо 1:1). Бу Муқаддас Китобдаги дастлабки сўзлардир. Улар жуда катта аҳамиятга эга. Азалда Худо бор эди. Ўша, азалдан, алақачон бор бўлган Худо севгидир.

Юҳаннонинг оддий ва таниш гапи замирида ақл-бовар қилмайдиган ҳақиқат бор: Дунё пайдо бўлишидан аввал, қуёш, ой ва юлдузлардан аввал, океанлар, тоғлар, дарахтлар, балиқлар, қушлар, ҳайвонлар ва биз инсонлардан олдин Худо севги Худоси бўлган. Бу Худо моҳиятининг бир қисми бўлиб, У ҳеч қачон кимнидир севмаган вақти бўлмаган.

Лекин У дунёни яратишдан аввал кимни севган?

Худо севгиси ҳақида билиш керак бўлган биринчи нарса – бу Худо бошқа бирортани севишидан олдин ёки севиш учун кимдир пайдо бўлишидан аввал Худо Ўзини севганидир.

Ичимдаги бир сезги бу фикрдан қайтишим кераклигини айтади. Бу фикр хунук эшитилади.



Бу бизнинг шаънимизга, айниқса, Худонинг шаънига номуносибдек туюлади. Лекин аслида бу бир неча сабабларга кўра тўғри.

Биринчидан, Худо мен ва сиз каби эмас. У умуман бошқа мавжудот. Унинг Ўзига бўлган севгиси меники каби тор ва ички эмас. Муқаддас Китоб Худони уч шахсда – Ота, Ўғил ва Муқаддас Рухда бир эканини ўргатади. Демак, У Ўзини севганида, Унинг севгиси “ташқарисида” бир шахсдан иккинчи шахсга бутун абадийлик давомида баравар тарзда ҳаракат қилади. Худонинг Ўзини севиши худди отанинг ўз ўғлини севишига ва бунга жавобан ўғилнинг отани севишига ўхшайди ва бу абадий давом этади. Исо Отага шундай деб ибодат қилган: “Сен Мени дунё яратилишидан олдин севганинг учун . . .” (Юҳанно 17:24).

Албатта, агар мен ўзимни ҳаммадан кўпроқ севаман десам, бу кўрслик бўларди. Биз ўзимизни севганимизда, бошқалардан узоқлашамиз. Биз ўз манфаатларимизни бошқаларникидан юқори қўямиз. Мен ва сиз учун ўзимизга бўлган севги – бу худбинлик, узоқлашиш ва ҳалокатдир. Лекин Худо Ўзини севганида, бундай бўлмайди. Унинг Ўзига бўлган севгиси шахслараро бўлиб, учбирлик ичида шахсдан шахсга ўтади. Бу севги фидойи бўлиб, унда худбинлик йўқ.

Иккинчидан, Худонинг Худога бўлган севгиси мувофиқ келади. У юксак даражада севиклидир. Биз бошдан кечирадиган гўзаллик, яхшилик, солиҳлик ва шодликнинг ҳар қандай аломати Ундан келади. Ҳар бир аломат Унинг гўзаллигининг, кимлигининг ва ҳар доим Ким бўлганлигининг хира аксидир. Ундан бошқа кўпроқ қувончли, ҳаёт баҳш этувчи, азиз Зот йўқ. Ота Ўғилга қараганда, У бу гўзалликнинг инъикосини кўриб хурсанд бўлади. Ўғил ҳам Ўз отасига қараганда хурсанд бўлади. Бу завқ таърифлаб бўлмайдиган ва бетўхтов севги бўлиб, бу севги улар ўртасида абадий айланишда давом этади. Худо Ўзини севиши кераклиги ҳақиқатдир. Ўғлим мен ёқтирадиган туфлимдан кўра қадрлироқ бўлганидек, Худо ҳаммадан ёки ҳар қандай нарсадан кўра кўпроқ муҳаббатга лойиқдир.

Яна бир сабабга кўра, Худонинг Ўзига бўлган севгиси эгоцентрик худбинлик муаммоси эмас. Бу эса Муқаддас Китобдаги севги ҳикояси билан мени иккинчи босқичимизга олиб келади.

## **2. Худо ҳаммани севади**

Худонинг Худога бўлган севгиси Худонинг менга ва сизга бўлган севгисини бевосита тўйинтиради.

Севиладиган дунёнинг пайдо бўлишидан аввал Худо аллақачон севган ва аллақачон севилган

эканини ёдингизда тутинг. У ёлғиз бўлмаган. У дунёни ва инсонларни Ўзидаги бўшлиқни тўлдириш учун яратмаган. У абадий ва мукамал бахтли, мамнун ва қудратли бўлган.

Энди сиз инсоннинг Худога керакли бўлиши ёмон эмас, деб ўйлаётгандирсиз. Агар керакли бўлсангиз, бунга чидаса бўлади, аммо керак бўлмаслик ҳисси бироз алам қилади. Агар мен Худога зарур бўлмасам, бу менинг У учун аҳамиятсизлигимни англатадими?

Йўқ, Худо Ўзидаги бўшлиқни тўлдириш учун инсонни яратмагани ҳаётимиз нима учун шунчалик муҳим эканлигининг калити ҳисобланади.

Айтайлик, Худо сизсиз яшай олмагани сабабли сизни яратди. Бу сизни товарга айлантиради. Бундай ҳолатда У сизни худди суяниш мумкин бўлган ҳассадек ишлатади. Бу шунчаки бизнес, оддий битим бўлади.

Аммо бу дунё Худога бахтли бўлиши учун ёки севги нима эканлигини билиши учун зарур бўлмаган. Шунинг учун Унинг бизни яратишидан мақсади худбинлик эмас, балки Ўзини фидо қилишдир. У биздан бирор нарсани тортиб олиш учун бизни яратмаган. У коинотдаги энг ҳаётбахш, энг қувончли ҳадяни – Ўзини баҳам кўришимиз учун бизни яратган. У мажбур бўлгани учун бизни яратмаган. У буни истагани учун бизни яратган. Бошқача қилиб айтганда, севги бўлган Худо бизни

севги учун яратган. Сизнинг ҳаётингиз муҳим, чунки Худо сизни ҳаёт учун танлаган.

Ибтидо китобининг 1-боби Худо ижодининг мукамаллиги ва Унинг яратишдан қанчалик завқлангани ҳақидаги оят билан бошланади. Муаллиф бирин-кетин Худо яратган нарсаларни тоифаларига кўра санаб ўтади. Ҳар бир иш кундан сўнг Худо “буларнинг яхши эканини кўрди” деган бир хил сўзларни эшитамиз. Бу яхши эди. Бу яхши эди. Кундан кунга яхши бўлаётган эди.

Сўнг, бу яратилишнинг чўққисида Худонинг энг яхши иши учун мўлжаллаган режасига дуч келамиз. Ҳамма нарса шу учун яратилади:

Худо яна: “Ўз суратимизга кўра, ўзимизга ўхшаш қилиб одамни яратайлик. Улар денгиздаги балиқлар, осмондаги қушлар, чорвалар, бутун ер устидан ва ерда судралиб юрадиган барча судралувчилар устидан ҳукмронлик қилсинлар”, – деди.

Шундай қилиб, Худо одамни Ўз  
суратида,  
уни Худонинг суратида  
яратди.  
Уларни эркак ва аёл қилиб  
яратди.

(Ибтидо 1:26–27)

Худо ўз суратидай қилиб яратган эркак ва аёлга қараганда, бунинг *ажойиб эканини* кўрди. Бу Унинг севги изҳоридир. Худонинг бу севги изҳори ўтмишдаги, ҳозирги ва келажакдаги ҳар бир инсонга тегишлидир.

Севги доим нимадандир завқланишни англатади. Мен “мовий ўт” мусиқасини ёки Уилям Фолкнернинг романларини ёки мазали дудланган гўштнинг таъминини яхши кўраман деганимда, мен айнан шуни назарда тутаман. Бу нарсалардаги нимадир менга катта завқ бағишлайди. Улар мени хурсанд қилади. Мен уларни яхши кўраман.

Ибтидо 1-бобига кўра, Худонинг назарида Унинг суратидай қилиб яратилган ҳар бир инсон *жуда ажайибдир*. Инсон тасодиф, хато, сайёрамиздаги касаллик эмас, балки ноёб завқ берадиган объектидир.

Бу севги тасдиғидир. Худо ҳаммани худди мен ёзда пишириладиган лимонли пирог бўлагини ёки болаларимни қитиқлаганда, уларнинг қиқирлаган овозини ёки тонгда туриб рафиқамнинг юзини томоша қилишни яхши кўрганимдек севади. Бу нарсалар жуда ажайибдир. Худо ҳар бир инсоннинг ҳаётидан ана шундай завқ олади. Айнан Унинг севгиси бизни инсон қилади.

Биз одамлар ўртасидаги севги ҳақида гапирганимизда, севгининг яна бир жиҳати пайдо бўлади. Севги ўзингизни бошқаларга маъқул тарзда тақдим этишдир. Мен учун сизни

севаман дейиш осон. Лекин агар сиз кулфат ичида бўлсангизу, мен сиз учун ҳеч нарса қилмасам, бу сеvgи бўладими? Сизда қандайдир мен ёрдам бера оладиган муҳтожлик бўлсаю, лекин ёрдам бермасам, бу сеvgи бўладими? Шундай пайтда, сиз менинг сеvgимга шубҳа қиласиз ва тўғри қиласиз. Амалий ҳаракатсиз сеvgи – бу шунчаки ҳиссиёт. Ҳақиқий сеvgи эса амалда кўринади.

Мана шунинг учун ҳам, Худо Ўз суратидай қилиб яратган ҳамма инсонни севади. Шу сеvgи сабаб У Ўз яратганларига яхши ҳадяларни беради.

Санолар 135-боб Худонинг содиқ сеvgисини куйлайдиган мадҳиядир. Ҳар бир сатрда Худо қилган яхши ишларга мисоллар келтирилади ва “Унинг шафқати абадийдир” деган жумла бирга келади. Худонинг яратишдан тортиб, Исроилни Мисрдан қутқариши ва Ўз халқига ер беришигача бўлган кўплаб мисоллар бор. Лекин охирги мисол, Худонинг Исроилга бўлган сеvgиси кўлаמידан ташқарига чиқади ва Унинг ҳаммага бўлган сеvgисини таъкидлайди: Худо “ҳар бир вужудга озуқа беради, чунки Унинг шафқати абадийдир” (Санолар 135:25).

Исо Ўзининг тоғдаги ваъзида шунга ўхшаш мавзунга гапирган. У оломонга маълум сабабларга кўра, севиш осон бўлган дўстларни ёки қариндошларни севишнинг ўзи етарли эмаслигини айтади. Улар ўз душманларини ҳам севишлари керак. Улар ҳаммани яхши

кўришлари керак. Исо ҳаммани севишга ундади. Сабаби – Уни тинглаётганларнинг севгиси ҳам худди Худонинг севгиси каби бўлиши керак эди. “Аммо Мен сизларга айтаман, душманларингни севинглар, сизларни лаънатлаётганларни дуо қилинглар, сизлардан нафратланаётганларга яхшилик қилинглар, сизларни ҳақоратлаб қувғин қилаётганлар учун ибодат қилинглар. Шунда сизлар Осмондаги Отангизнинг фарзандлари бўласизлар. Чунки У қуёшни ёвузлар ва яхшилар устидан чиқаради, У ёмғирни ҳақ одамлар ва ноҳақ одамларга юборади” (Матто 5:44–45). Худо қуёш ва ёмғирдан ҳаммани, яхши ва ёмонни, солиҳ ва фосиқни баҳраманд қилади. Чунки У Ўз суратидай қилиб яратилган ҳамма инсонни севади.

Биз кўриб турган дунё ва ундаги ҳар бир мавжудот Худо бизни севишидан дарак беради. Бироқ, биз ҳозиргина кўриб чиққан ажойиб яратилиш ҳикоясидан сўнг юракни эзадиган воқеалар содир бўлади.

### **3. Ҳеч ким Худони севмайди**

Ибтидонинг дастлабки боблари нафақат яратилишни, балки муносабатларнинг бошланишини ҳам тасвирлайди. Бу бизга Худо билан Унинг суратидай қилиб яратилган одамлар ўртасидаги севги ва ишонч муносабатларига назар солишга имкон беради. Бу бизга ушбу

севги ва ишонч муносабатлари тўсиқлар билан ҳимояланганлигини кўрсатади. Одам Ато ва Момо Ҳавога ҳаёт берган ўша севги айна пайтда уларга итоат қилиш қоидаларини ҳам берди. Бу қоидалар уларни ҳимоя қилишга ва Худо уларни жойлаштирган боғда гуллаб-яшнашига мўлжалланган эди.

Бизнинг ажойиб ва гўзал дунёмизда ҳамма нарса бузилган ва бунинг сабаби Худонинг севгиси ва қудратига бўлган ишончнинг йўқ қилинганидир.

Ибтидо китобининг 3-боби бизга Одам Ато ва Момо Ҳаво Худонинг қоидаларини қандай қилиб рад қилгани ҳақида гапириб беради. Улар Худо берган қоидалар ўзларига мос келмаслигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнггина Унга итоатсизлик қилишга қарор қилишган. Бошқача қилиб айтганда, улар Худонинг севгисини шубҳа остига олганлар. Сўнг ишонч ўрнини рақобат эгаллаган. Улар ўз манфаатлари билан Унинг манфаати бир-бирига мос келмайди деб ўйлаб, ўзлари учун фойдали ишни қилишга қарор қилганлар.

Ҳеч эътибор қилганмисиз, ҳар сафар гуноҳ қилганимизда худди шундай йўл тутамиз. Бизнинг манфаатимиз билан Унинг манфаати бир-бирига мос келмайди деб ўйлаб, ўзимиз учун фойдали ишни қилишга қарор қилганимизда, гуноҳ қиламиз.



Муносабатлардаги узилиш шу билан тугамайди. Ибтидо китобида ҳамда ўз тажрибамизда гувоҳи бўлганимиздек, Худо билан муносабатнинг бузилиши инсонларга ҳам ўтади. Айбни бошқага юклаш, ҳасад, нолиш ва зўравонлик ҳамда зулмнинг ҳамма шакллари кўрамиз (Ибтидо 3–4).

Санолар 13-сано биз инсонларнинг бизни севувчи Яратувчимизга қандай муносабатда бўлганимиз ҳақидаги бутун Муқаддас Китобда келтирилган маълумотни умумлаштиради.

“Мулоҳаза қилувчи,  
Худони изловчи борми?”  
– деб, кўриш учун Раббий  
осмондан инсон ўғилларига қаради.  
Ҳамма йўлдан оған,  
ҳаммалари бирдек  
яроқсиз бўдилар.  
Яхшилиқ қилувчи йўқ,  
бирорта ҳам йўқ.  
(2–3-оятлар)

Агар бизни Худога бўлган севги йўналтирмаса, ўз йўлларимизга оғиб кетамиз. Биз дунёни устунлик учун курашадиган (баъзан енгилб, баъзан енгадиган) алоҳида, автоном кичик худолар билан тўлдирамиз. Барча ёмонлик ташқарига чиқади.

#### 4. Худо гуноҳкорларни севади

Худо бизни севаги учун яратган. Биз Унинг севагини рад қилдик. Бу севаги ҳикоясининг хотимаси бўлиши мумкин эди. Қайсидир маънода бу хотима бўлиши керак эди, деб айтишимиз мумкин. Биз учун, эҳтимол, шундай ҳам бўлиши мумкин эди. Лекин, аслида, Худонинг Ўзини рад қилинишига жавоби, Унинг бизга бўлган севаги қанчалик чуқур эканини кўрсатади. Акс ҳолда биз буни тасаввур қила олмасдик.

Юҳанно 3:16 Инжилдаги Худонинг севаги ҳақидаги энг машҳур оят:

Чунки Худо дунёни шунчалик севади,  
Ўзининг Ягона Ўғлини берди, токи Унга  
ишонган ҳар бир киши ҳалок бўлмасин,  
балки абадий ҳаётга эга бўлсин.

Мен “дунё” сўзини ўқиганимда, хаёлимга келадиган биринчи фикр – бу кўлам бўлади. Худо бутун дунёдаги ҳаммани яхши кўради. Албатта, бу биз юқорида гаплашганимиздек тўғри. Лекин Юҳанно “дунё” сўзини ишлатганда, буни назарда тутмайди.

Унинг учун “дунё” одатда миқдорга эмас, сифатга ишорадир. Ёки бир Янги Аҳд бўйича профессор айтганидек: “Юҳанно китобида дунё катталики эмас, балки ёмонлики англатади. Юҳанно луғатида дунё биринчи навбатда

Худога қасддан ва гуноҳкорона исён қилувчи ахлоқий тартибдир.”<sup>2</sup>

Биз Юҳаннонинг сўзлари маъносини тушунганимизда, бундан ҳайратланамиз. Худо ҳаммани Ўз суратида қадр-қимматли қилиб яратгани учунгина севмайди. Худо ҳаммани алоҳида шахс сифатида севади. Улар Худонинг севувчи ҳокимиятига қарши исён қилсалар ҳам, Унинг йўлидан эмас, балки ўзларининг йўлларидан юриб ўзларини худодек кўрсалар ҳам севади.

Юҳанно ўз мактубларида худди шу фикрни айтади. “Худо севгидир” дегани нима (1-Юҳанно 4:8)? Юҳанно кейинги оятларда нима дейишига эътибор беринг:

Худонинг бизга бўлган севгиси шу орқали аён бўлдики, У ягона Ўғлини дунёга юборди, токи У туфайли биз ҳаётга эга бўлайлик. Севги шундаки, биз Худони севмаган эдик, лекин У бизни севди ва Ўз Ўғлини гуноҳларимиз учун раҳм-шафқат келтириш қурбонлиги қилиб юборди. (1-Юҳанно 4:9–10)

Юҳанно бизга нимани кўрсатаётганини кўраяпсизми? Худонинг дунёга бўлган севгиси биринчи ўринда туради. Ҳали ҳеч ким сўрамаган пайтда ва ҳали ҳеч ким миннатдор бўлмаган пайтда У бизни севди. У бизни севди ва шунинг учун Ўз Ўғлини гуноҳкорларга нажот

бериш учун қурбонлик сифатида юборган. Ва “севги” сўзи одатда катталиққа эмас, балки ёмонликка қаратилган бўлсада, Юҳанно бу кечирим таклифи ҳамма учун мўлжалланганини ва уни “бутун дунёнинг гуноҳлари”ни қоплаш учун етарли даражада кучли эканини айтади (1-Юҳанно 2:2).

Худо мана шу севгиси орқали Ўзи билан муносабат қилишни истамаганларни қутқариш ва бузилган севги муносабатларини тиклаш учун Ўз Ўғлини юборган.

Бу нажот ва қайта тиклаш таклифи ҳеч қандай истисносиз амалга оширилган. “Чунки “Раббийнинг номини чақирадиган ҳар бир киши нажот топади””, деб ёзилган-ку (Римликлар 10:13).

Лекин бу ерда шуни айтиш керакки, Худо ҳаммани севса ҳам, У ҳаммани бирдай севмайди. Фақат “Унга ишонган ҳар бир киши” (Худонинг Ўғли, Исога) “ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин” (Юҳанно 3:16). Худонинг Исога ишонганларга меҳри бошқача. Бу Ўзининг қутқарилган халқига бўлган меҳрдир. Муқаддас Китобда бу севгининг ички ва ташқи томонлари борлиги айтилади.

## **5. Худо Ўз халқини севади**

Худонинг ўзига хос тарзда Унга тегишли бўлган ва алоҳида севикли бўлган халқини ажратиб кўрсатишдан иборат ниятини тан олмасдан туриб,

Муқаддас Китобнинг кенг қамровли ҳикоясини тушуниш имконсиз.

Ибтидо китобида дунё гуноҳ ва худбинлик сабабли бузилгандан сўнг Худо бир кишини, Ибромни (кейинчалик Иброҳим деб номланган) даъват қилади ва уни баракалашга ва унинг зурриётидан буюк халқ яратишга ваъда беради. Худо унга шундай дейди: “ Мен сендан буюк халқ яратаман. Сени дуо қилиб, номингни улуғлайман. Сен дуо-баракали бўласан. Сени дуо қилганларни Мен дуо қиламан, сени лаънатлаганларни Мен лаънатлайман. Ер юзидаги барча қабилалар сенда барака топадилар” (Ибтидо 12:2–3).

Иброҳимнинг зурриёти Исроил халқига айланиши билан Худо ер юзидаги барча халқлар орасида уларга бўлган ўзига хос севгисини қайта ва қайта тасдиқлаган. Худо Исроилга Ўз қонунини берганда, уларга қўйидагини эслатган: “Мана, само ва самоларнинг самоси, ер ва ундаги ҳамма нарса Раббий Худойингизга тегишлидир. Аммо Раббий фақат сизнинг оталарингизни қабул қилди, уларни севди ва бугун кўриб турганингиздек, сизларни, уларнинг уруғини барча халқлар ичидан танлаб олди” (Қонуннинг такрорланиши 10:14–15). Ҳамма нарса ва ҳамма Худога тегишлидир, лекин У барча халқлар орасидан фақат бу халққа муҳаббат қўйган.

Худонинг Исроил билан махсус муносабати Унинг жамоат билан муносабатига мисол бўлади.

Янги Аҳд бу муносабатларни худди шу тил билан тасвирлаб, бу севгининг ўзига хос ва ноёб муносабати эканлигини бизга кўрсатади.

Павлус ўзининг Эфесликларга мактубини дунё яратилишидан аввал Худо бу янги жамоага Ўзининг муҳаббатини кўрсатгани учун улуғлаш билан бошлайди:

Раббимиз Исо Масиҳнинг Отаси – Худо муборак бўлсин! У бизга самодаги барча руҳий баракаларни Масиҳда ато этган. Ўзининг ҳузурида муқаддас ва бенуқсон бўлишимиз учун Худо дунё яратилишидан аввал бизни Масиҳда танлаб, Ўз иродасининг илтифоти бўйича бизни Исо Масиҳ орқали севги билан Ўзига фарзанд қилиб олишни азалдан тайинлади. Ўз инояти шуҳратининг мақтови учун У севикли Ўғлида бизга иноят кўрсатди. (Эфесликлар 1:3–6)

Мактубининг охирида Павлус Масиҳнинг жамоатга бўлган севгисини эрнинг ўз хотинига бўлган севгисига қиёслайди: “Эрлар, худди Масиҳ Жамоатни севиб, у учун Ўзини фидо қилганидек, ўз хотинларингизни севинглар.”

Никоҳ мисолидаги бу ўхшатиш Худонинг Ўз халқига бўлган алоҳида севгисини тушунишга катта ёрдам беради. Бу менинг хотинимга бўлган муҳаббатимга ўхшаб кетади.

Албатта, мен севадиган аёллар анчагина. Менинг онам ва учта опам бор. Яқин аёл дўстларим бор. Жамоатимизга тегишли бўлган Масиҳдаги кўп опа ва сингилларим бор. Мен уларнинг ҳаммасини яхши кўраман. Лекин ўз хотинимга нисбатан муҳаббатим ўзгача. Менинг унга бўлган севгим бошқа аёлларга бўлган севгимдан ажралиб туради. Худо Ўз халқини ана шундай севги билан севади.

Бунинг сабаби нимада? Худо Ўз халқининг нимасини севади? Бу жуда муҳим савол. Агар бу ўзига хос севгининг ички ва ташқи томони бўлса, яъни баъзиларни У шундай тарзда севса, баъзиларни эса бу тарзда севмаса, у ҳолда бу севгининг ички томонига қандай эришиш мумкин бўлади? Мана шу жойда Худонинг севгиси ҳақидаги Муқаддас Калом хабари жуда ҳайратланарлидир.

*Худо Ўз халқини бошқача бўлгани учун севмайди*

Худо Ўзининг халқида бошқа ҳеч бир халқда бўлмаган нимадир борлиги учун алоҳида бир севги билан севади, деб ўйлаш табиийдир. Лекин Қонуннинг такрорланиши китобида Худо нима учун Исроилни ер юзидаги бошқа халқлар орасидан “Ўз хазинаси” қилганини қандай тушунтирганига эътибор беринг:

Раббий сизларни барча халқлардан кўп сонли халқ бўлганингиз учун танлаган ва қабул қилган эмас, зеро сизлар барча халқлардан кам сонлисизлар, балки Раббий *сизларни севиши* учун ҳамда У сизларнинг оталарингизга ичган қасамини бажариши учун Раббий сизларни Ўзининг кучли кўли билан олиб чиқди ва сизларни Миср подшоҳи фиръавнинг кўлидан, куллик уйидан озод қилди. (Қонуннинг такрорланиши 7:7–8)

Павлус Худонинг жамоатга бўлган севгиси ҳақида шунга ўхшаш бўлган фикрни айтади. У бир-биридан устун бўлиш васвасига тушган Коринфдаги янги жамоатга мактуб йўллаганида, уларга қуйидагини эслатади: “сизларнинг орангизда инсоний нуқтаи назардан доно бўлганлар кўп эмас, кучли бўлганлар кўп эмас, аслзода бўлганлар ҳам кўп эмас” (1-Коринфликлар 1:26). Бунинг таржимаси: сизлар ғолибликни қўлга киритмагансизлар. Сиз кўркем спортчиларнинг ва гўзал қироличаларнинг машҳур оломони эмас эдингиз.

Йўқ. Худо Ўз халқига меҳр қўйганида, бу Унинг учун энг мақбул танлов бўлгани учун шундай қилмаган. Буни муносабатлар бошланишидан аввал Худо “жуфтлар танишув саҳифаси”да Ўзи учун мукамал жуфтни топмагунча номзодларни



кўриб чиқишига ўхшатиб бўлмайди. Ҳатто бунга яқин ҳам эмас. “Раббий сизларни севиши учун . . .” У уларни севгани учун севади. У шу севги билан Исроилни севган ва жамоатни ҳам севади.

Худо Ўз халқини яхши бўлгани учун севмайди

Худо Ўз халқининг қонунларга амал қилиши ёки қилмаслигига қараб танлайди деб ўйлаш янада табиийроқ туюлади. Бундай афзаллик бошқа динларга хос бўлган хусусиятдир. Ўз хатти-ҳаракати билан эришганлар, шу мавқеда туришга сазовор бўлганлар “бағишланган” севикли кишилар ҳисобланадилар. Бу динларга кўра, сиз фақат қилган тўловингизга яраша мукофот оласиз.

Лекин Худо Ўз халқига бундай муносабат қилмайди.

Албатта, Муқаддас Китобда ҳақлик деб аталувчи итоаткорлик Худо учун муҳимдир. Агар у яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги фарқни кўра олмаганда эди, У Худо бўлолмасди, У сажда ва ишонишга лойиқ бўлмасди. Худо яхши кўрадиган ҳақлик – бу ҳеч нимадан гумон қилмайдиганларни тузоққа туширадиган ёки заифларни элакдан ўтказиш учун ўзбошимчалик билан яратилган қоидалар эмас. У севадиган ҳақлик Унинг ҳақиқатга бўлган мукамал садоқатини акс эттиради. Худонинг ҳақлиги гўзалдир.

У қадрлидир. Ич-ичимиздан истагимиз мукаммал бўлмасада, чин дилдан ҳақликни севадиган Худони истаймиз, чунки биз адолатсизликка қарши бўлган Худони истаймиз. Худо эса ҳақиқатан ҳам ҳақликни яхши кўради.

Лекин Худонинг халқида доим ҳақлик етишмайди, шунга қарамай У Ўз халқини севади.

Масалан, Исроил тарихини олайлик. Бу ҳикояда Худонинг Исроилга бўлган чексиз севгиси каби изчил бўлган ягона доимий мавзу – бу Исроилнинг унутувчанлиги, ношукурлиги ва ўз қўшнилариининг худоларини маъқул кўриши ҳисобланади.

Худо Ўз халқини тавсифлаш учун Ҳошея пайғамбардан фойдаланади. Бу мен билган энг яхши мисолдир. Худонинг Ўзи Исроилни севиш нима эканлигини кўрсатиш учун ушбу сабоқ берадиган объектни яратади. У Ҳошеяга Гомера исмли фоҳишага уйланишни, уни севишни ва унинг ўтмишига қарамасдан у билан оила қуришни буюрган. Ҳўшея бу амрни бажарган. Лекин уларнинг никоҳи ҳикоянинг бахтли якуни эмас.

Гомера ўз никоҳини бузиб фоҳишалikka қайтади. У Ҳошеянинг хотини бўлишдан кўра фоҳишалик ҳаётини афзал кўради. Худо Исроилнинг Унга бўлган муносабатини шундай тасвирлайди. Ана шундай халқни У Ўз халқи сифатида севади.

Худонинг янги аҳд билан тузилган халқи – жамоати ҳам Худо биринчи марта севган Исроилга қараганда солиҳроқ эмас эди. Бу жамоат ҳам Исроил халқидан фарқ қилмайдиган одамлардан ташкил топган. Павлус Худонинг севгисига эга бўлишдан аввал ҳар бир масиҳийнинг ҳаётини қандай тасвирлаганига эътибор беринг:

Чунки бир вақтлар, биз ўзимиз ҳам фаҳмсиз, итоатсиз, адашган одамлар бўлиб, турли ҳирслару кайф-сафоларнинг қуллари эдик; ёвузлик ва ҳасадгўйликда яшайдиган жирканч одамлар бўлиб, бир-биримиздан нафратланар эдик. Аммо Нажоткоримиз Худонинг эзгулиги ва инсонпарварлиги зоҳир бўлганида, Худо бизга қилган ҳақ ишларимиз туфайли эмас, балки Ўзининг раҳм-шафқати туфайли, қайта туғилиш ҳаммоми ва Муқаддас Рух томонидан янгиланиш орқали нажот берди. (Титус 3:3–5)

Улар ҳам Гомерадек эҳтирос қули эдилар. Исроилдек итоатсиз эдилар. Худонинг марҳаматига сазовор бўлиш учун покланиш ҳаракати, “ҳақлик йўлида қилинган ишлар” йўқ эди. Ҳаётимизда ўзимиз яратган тартибсизликлар пайтида, Худонинг Ўзи биринчи бўлиб севгиси билан яхшилик қилди.

*Худо Ўз халқини Ўз Ўғли орқали севади*

Худонинг Ўз халқига бўлган алоҳида севгисининг ички ва ташқи томони ўртасидаги фарқ Исога бориб тақалади. Бу сиз ғолиб келадиган мусобақа эмас. Бу сиз эришадиган мавқе ҳам эмас. Бу сиз қабул қилиб оладиган ҳадядир. Бу ҳадя фақат Исо сизга очадиган дарвозадан кирганингизда берилади.

Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман. Ҳеч ким Менсиз Отанинг олдига бора олмайди.  
(Юҳанно 14:6)

*Худо ҳақликни четга суриб қўйиш учун эмас, балки Ўз халқини ҳақ қилишга қарор қилгани учун ҳақ бўлмаган одамларга Ўзининг алоҳида севгисини кўрсатади. Бу ҳақида бир эски мадҳияда ажойиб тарзда айтилган: “севгиси бўлмаганларга севги кўрсатиш уларнинг севимли бўлиши учун қилинади.”<sup>3</sup>*

Ҳошея ва Гомера воқеаси уларнинг никоҳи билан якун топмайди. Бу ҳикоя зино ва тарк этиш билан ҳам якунланмайди. У тасаввур қилиб бўлмайдиган раҳм-шафқат билан тугайди. Худо Ҳошеяга, бу қалби синган ва хиёнатга учраган эрга ўзининг вафосиз хотини ортидан боришни ва хотини танлаган қулликдан қутқаришни буюради. Гомера дўстлик ва ғамхўрлик ўрнига қулликни танлаган эди. Бир чўпон Хўшея

ҳикояси ўзида Масиҳ ҳикоясини кўрсатади, деб тасвирлайди.<sup>4</sup>

Павлус ўзининг Эфесликларга мактубида масиҳийларни “Бизнинг ҳаммамиз ҳам бир вақтлар уларнинг орасида ўз танамизнинг ҳирсларида яшаб, тана измининг хоҳишлари ва фикрларини бажариб, бошқалар сингари табиатан ғазаб фарзандлари эдик”, деб тасвирлаганда, у бу ҳикояни ёдида тутганини тасаввур қилиш қийин эмас (Эфесликлар 2:3). Биз бир пайтлар, бизнинг ҳар биримиз Гомера эдик. “Аmmo раҳм-шафқатга бой бўлган Худо бизни Ўзининг буюк севгиси билан севди ва жиноятларимиз туфайли ўлик бўлсак-да, бизни Масиҳ билан бирга жонлантирди, (сизлар иноят билан нажот топгансизлар)” (Эфесликлар 2:4–5).

Кейинроқ Павлус худди Ҳошеяни ўз қаршисида кўргандек, бутун бу жараёни никоҳга қиёслайди. У эрларнинг “худди Масиҳ Жамоатни севиб, у учун Ўзини фидо қилганидек”, ўз хотинларини яхши кўришлари кераклигини айтади (Эфесликлар 5:25). Масиҳ Ўзини жамоат учун фидо қилишининг сабаби: “Жамоатни муқаддаслаш учун ҳаммом суви билан ювиб, Сўз орқали тозалади, токи уни муқаддас ва бенуқсон ҳолатда Ўзига доғсиз, нуқсонсиз ёки шунга ўхшаш бирор нарсасиз, шуҳратли Жамоат қилиб тақдим этсин (Эфесликлар 5:26–27).

Муқаддаслик ва бенуқсонлик. Масих Ўз келинидан шуни истайди. Ҳақлик муҳим. Лекин Худо халқининг ҳақлиги, Худо яхши кўрадиган, У кўриб хурсанд бўладиган ҳақлик, уларга Унинг Ўз кўли билан бериладиган ҳадя сифатида келади. Бу ҳадя – Худо Ўз Ўғлининг қони орқали уларни сотиб олганидир.

Ҳошея ўзининг садоқатсиз хотини гуноҳини ювиш учун тўлов қилганидек, Худо Масихда ўз халқининг гуноҳи учун тўлов тўлади ва уни ҳақ қилди.

Павлус Исони жамоат учун “Ўзини фидо қилди” деганда, ана шуни назарда тутди (Эфесликлар 5:25).

Петрус: “Масих ҳам бизни Худога олиб келиш учун бир марта бизнинг гуноҳларимиз учун азоб чекди. Ўзи Ҳақ бўла туриб, ноҳақлар учун қурбон бўлди”, деганда ана шуни назарда тутди (1-Петрус 3:18).

Исо “кўпларни қайта сотиб олиб, Ўзининг жонини бериш учун келган” деб айтганда, ана шуни назарда тутган (Марк 10:45).

Бу фикр 2-Коринфликлар 5:21-оятда жуда яхши умумлаштирилган: “Зеро Худо гуноҳни билмаган Масихни биз учун гуноҳ қурбонлиги қилди, токи биз Масихда Худонинг ҳақлиги бўлайлик.”

Масихийлар Худонинг севгисини кўпинча шартсиз севги сифатида таърифлайдилар. Бу

ҳақиқат. Худонинг халқи Унга қарши гуноҳ қилса ҳам Худо уларни севади. Худо Ўз халқини Унинг севгисига жавобан севги қайтаришидан олдин, Унинг севгисига лойиқ бирор бир иш қилишидан ҳам олдин севади. Худога шукурки, бунинг ҳаммаси ҳақиқат.

Лекин Унинг севгиси шу билан чекланиб қолмайди. Унинг севгиси бундан ҳам ортиб боради. Муқаддас Китобда Худо Ўз халқини Масиҳда севиши айтилади. Севги орқали Ота Ўз Ўғлини Ўз халқи лойиқ бўлган гуноҳ учун, Худо ёқтирмайдиган ва жазолаши керак бўлган фосиқлик учун тўлов тўлаши учун юборади. Масиҳ шунинг учун ўлган. Лекин Масиҳда Худонинг халқи У лойиқ бўлган Худонинг Ўз ҳақ Ўғлига бўлган мукамал, ўзгармас ва чексиз севгисини ҳам олади.

Бу биз тўлиқ тушуниб етишга умид қила олмайдиган сирдир. Лекин Худонинг Ўз халқига бўлган севгиси Ўз Ўғли учун бўлган мукамал, абадий севгисининг давомидир. Исо хиёнат сабаб қўлга олинган тунда У Ўзи қутқармоқчи бўлганларнинг хавфсизлиги ҳақида ибодат қилар экан, бизга Хушxabарнинг ақл бовар қилмайдиган сирини ошкор қилади.

Сен Менга берган шуҳратни Мен уларга бердим, токи Биз бир бўлганимиз каби улар ҳам бир бўлсинлар. Мен улардаман,

Сен эса Мендасан! Улар ҳам бирликда мукамал бўлсинлар, *токи дунё Сен Мени юборганигни ҳамда Мени севганинг каби уларни ҳам севганигни билиб олсин. . . .* Мен уларга Сенинг номингни очдим ва яна очаман, *токи Сен Мени севган севгинг уларда бўлсин*, Мен ҳам уларда жо бўлайин. (Юҳанно 17:22–23, 26)

Масихда бўлиш – бу Отанинг Ўз Ўғлига бўлган севгиси билан яшаш демакдир. Бу фақат Худонинг Ўз халқи гуноҳига қарамасдан севиши эмас. Худо уларни Ўз Ўғли ҳақ бўлгани учун севади. У уларни Исони севгандай севади. Худо Ўз Ўғлини қандай севги билан севган бўлса, энди уларни ҳам ўшандай севги билан севади. Худо Ўз халқига қараганда, Ўз Ўғлининг ҳақлигини кўради ва улардан хурсанд бўлади.



## Шундай қилиб, сиз қандай қарор қиласиз?

Бу рисолада мен асосан қуйидаги муҳим саволга жавоб беришга ҳаракат қилдим: Худо ҳаммани севадими?

Муқаддас Китоб бизга берадиган қисқа жавоб шундай: Худо ҳаммани севади, лекин ҳаммани бирдай эмас.

Лекин Муқаддас Китоб бизга фақат маълумот етказиш учун ёзилмаган. У Ўз Каломи саҳифаларида бизга гапириш орқали бизни Ўзи билан муносабат ўрнатишга таклиф қилади. Мен бу рисола қуйидаги савол билан якунламоқчиман: “Муқаддас Китобнинг жавоби сиз учун нимани англатади?” Бу ҳақида ўйлаб кўринг.

Рисоланинг бошида мен Худонинг севгиси ҳақида айтадиган гапим сизни ҳайрон қолдириши мумкинлигини тахмин қилган эдим. Тахмин қилганимда қуйидагини фикрни назарда тутган эдим.

Бир томондан, сиз ҳар доим Худо ҳаммани севишига ишонган бўлишингиз мумкин. Бунга

кўпчилик одамлар ишонади. Эҳтимол, сиз кўпчиликнинг фикрига қўшилгансиз. Агар шундай бўлса, Худонинг севгиси ҳақидаги фикрингиз аслида Унга умуман эътибор бермаслик учун баҳона бўлиб чиқиши мумкин. *Албатта, Худо ҳаммани севади! Бу Унинг иши. У менга керак бўлган жойда бўлади. Шу вақт ичида мен ўз шартларим билан яшамоқчиман.*

Агар сиз Худонинг севгиси ҳақида шундай ўйлаган бўлсангиз, хавотирланишингизга асос бор. У ҳаммани сиз ўйлагандай севмайди. Худонинг севгиси муқаддасдир. Ҳа, Унинг севгиси эркин, чексиз ва унга ҳамма эришса бўлади. У Ўз севгисини баҳам кўришга хасислик қилмайди. Лекин бу эркин севги Худонинг Ўз халқидан мана шу махсус севгиси ичида яшашни талаб ҳам қилади. Биз Ундан кўра бошқа нарсани кўпроқ яхши кўрганимиз учун тавба қилишимиз ва ҳамма нарсани Унинг Ўғли Исога ишониб топширишимиз керак. У йўл, ҳақиқат ва ҳаётдир. Отанинг олдига олиб борадиган Ундан бошқа йўл йўқ.

Бошқа томондан, эҳтимол, сиз бу рисолаани Худо ҳаммани севмайди, айниқса мени ҳеч қанақасига севиши мумкин эмас, деган ишонч билан қўлингизга олган бўлишингиз мумкин. Эҳтимол, ич-ичингизда, *Худо мени севадими, деган савол бўлгандир. Худо мени сева олганми?*

Энди бу саволга берилган ҳайратланарли жавоб бу – Худо Ўз Каломи орқали аниқ берилган жавоб бўлди, деб умид қиламан.

Ҳа, Худо сизни севади, чунки сиз Унинг суратидай қилиб яратилгансиз. У сизнинг ҳаётингизга бошқа бирорта мавжудотда бўлмаган қадр-қимматни берди. Сиз Унинг севгисини ҳар куни кўрасиз. Сиз ўпкангизни тўлдириб нафас оласиз. Эгнингизда кийиш учун кийимингиз бор. Ейиш учун овқатингиз бор. Худо Ўзи севадиганларига Ўзини фидо қилгани учун сизда буларнинг барчаси бор.

Ҳа, Худо сизни севади, чунки У гуноҳкорларни севади. Сиз Унга қарши гуноҳ қилган бўлсангиз ҳам, У сизни севади. У сизни шунчалик севадики, Ўзининг ягона Ўғлини берган, токи сиз Унга ишониб ҳалок бўлманг, балки абадий ҳаётга эга бўлинг. Аслида, сиз ҳозир Унга ишониш учун бу таклифни ўқияпсиз, чунки У сизни севади.

Агар сиз Исога ишонсангиз, агар сиз ўзингизни қутқариш учун ўзингизнинг кучингизга таянмай, Унга ишонсангиз, Худо сизни Ўз Ўғлини севгандек севади. Бу севги сиз ҳеч қачон ўзингиз сазовор бўла олмайдиган алангали, олтиндек соф, ўзгармас севгидир. Бу Масих сиз учун қўлган киритган севгидир. Худо сизга қараганда, Исони кўргани учун сизни севади. У кўпинча ҳафсалангизни пир қиладиган заифлигингизга қарамайди. У кўпинча бошқаларга панд бериб қўядиган

муваффақиятсизликларингизга қарамайди. Агар сиз Масихда бўлсангиз, У сизнинг асл кимлигингизга қарамайди. Ягона Ҳақ Зотнинг мукамал ҳақлиги сизни тўлиқ қоплаб олади.

Энди сиз учун нима қолди? Энди фақат Худонинг сизга аталган севгисида ором топиш қолди холос.

Албатта буни айтиш қилишдан кўра осон. Ичимизда биз олган нарсага лойиқ бўлиш истаги бор. Биз қатнашганимиз учун кубок олгандан кўра, ўз кучимиз билан кўкрак нишонларини олишни маъқул кўрамыз.

Лекин биз Худо севадиган ҳақликни шу тарзда қабул қила олмаймиз. Биз бошқа бир киши сазовор бўлган нарсани қабул қилишимиз керак ва бу бизни камтар қилади. Худо бизга Масихда берадиган севги мукофотини нолойиқ тарзда қабул қила олмаймиз. Биз мақтанишни бас қилишимиз керак. Лекин бунинг эвазига биз бошқа ҳеч қаерда топиб бўлмайдиган ҳимояни оламиз. Бу ҳимоя Отанинг Ўз Ўғлига бўлган абадий севгиси каби мустаҳкамдир. Эришиб бўлмайдиган севгини йўқотиб бўлмайди. Бу севгида ором олинг.



## Тавсия этилган манба

Муаллиф D. A. Carson, *The Difficult Doctrine of the Love of God* (Худо севгиси ҳақидаги мураккаб таълимот) (Wheaton, IL: Crossway, 2000).



## Изоҳлар

1. “Америкаликлар ўзларининг Худога ишонишларини айтганларида, улар нимани назарда тутадилар?” Pew Research Center, (Тадқиқот маркази) Апрель 25, 2018, <https://www.pewforum.org/2018/04/25/when-americans-say-they-believe-in-god-what-do-they-mean/>.
2. Муаллиф D. A. Carson, *The Difficult Doctrine of the Love of God* (Худо севгиси ҳақидаги мураккаб таълимот), (Wheaton, IL: Crossway, 2000), 17.
3. Муаллиф Samuel Crossman, “My Song Is Love Unknown,” (Менинг қўшиғим номаълум севгидир) 1664.
4. Муаллиф James Montgomery Voice, *The Minor Prophets*, (Кичик пайғамбарлар), vol. 1 (Grand Rapids, MI: Baker, 1983), 14.





# Муқаддас Китобга Иқтибослар

<i>Ибтидо</i>	17:22–23 ..... 46-47
1..... 27, 28	17:24 ..... 24
1:1 ..... 23	17:26 ..... 46-47
1:26–27 ..... 27	
3–4..... 31-32	<i>Римликлар</i>
12:2–3..... 36	10:13 ..... 35
<i>Қонуннинг такрорланиши</i>	<i>1-Коринфликлар</i>
7:7–8 ..... 39	1:26 ..... 39
10:14–15 ..... 36	
	<i>2-Коринфликлар</i>
<i>2-Йилнома</i>	5:21 ..... 45
6:14..... 20	
	<i>Эфесликлар</i>
<i>Санолар</i>	1:3–6 ..... 37
13:2–3..... 32	2:3 ..... 44
135:25..... 29	2:4–5 ..... 44
	5:25..... 37, 44, 45
<i>Йермияҳнинг йиғиси</i>	5:25–27 ..... 44
3:22–23 ..... 20-21	
	<i>Титус</i>
<i>Матто</i>	3:3–5 ..... 42
5:44–45 ..... 30	
	<i>1-Петрус</i>
<i>Марк</i>	3:18..... 45
10:45 ..... 45	
	<i>1-Юҳанно</i>
<i>Юҳанно</i>	2:2 ..... 35
3:16..... 11, 33, 35	4:8 ..... 21, 23, 34
14:6..... 43	4:9–10..... 34





# 9 Белгилар

СОҒЛОМ ЖАМОАТЛАР ҚУРИШ

## Сизнинг Жамоатингиз Соғломми?

9Маркс (9Белгилар) хизмати Худонинг улугворлигини соғлом жамоатлар орқали халқларга намоён этиш учун жамоат етакчиларини Каломий қараш ва амалий ресурслар билан қуроллантириш мақсадида фаолият кўрсатади.

Шу мақсадда биз жамоатларга кўпинча эътибордан четда қоладиган тўққизта соғлом жамоат белгисида ўсишига ёрдам беришни хоҳлаймиз:

1. Эхпосицион ваъз
2. Хушхабар таълимоти (доктринаси)
3. Юқоридан туғилиш ва хушхабарчиликка доир Каломий тушунча
4. Каломга мос жамоат аъзолиги
5. Каломга мос жамоатдаги тартиб-интизом
6. Шогирдлик ва ўсиш борасида Каломий қараш
7. Каломга мос жамоат етакчилиги
8. Ибодат амалиётига доир Каломий тушунча
9. Элчилик хизматида доир Каломий тушунча

9Маркс (9Белгилар)да биз мақолалар, китоблар, китобларга тақризлар ва онлайн журналлар ёзамиз. Биз жамоатлар Худонинг улугворлигини намоён этишлари учун уларни қуроллантириш мақсадида конференцияларга мезбонлик қиламиз, суҳбатлар ёзиб оламиз ва бошқа ҳар хил ресурсларни тайёрлаймиз.

**40дан ортиқ тиллардаги** контент учун бизнинг веб саҳифамизга ташриф буюринг ва бизнинг бепул онлайн журналимизни қабул қилиш учун рўйхатдан ўтинг. Бизнинг бошқа тиллардаги веб саҳифаларимизнинг тўлиқ рўйхатини қуйидаги ҳавола орқали кўришингиз мумкин:

<https://www.9marks.org/about/international-efforts/>

**uz.9marks.org**

Машхур болалар кўшиғи “Исо мени севади, мен буни биламан” сўзлари билан бошланади. Баъзи одамлар Худо томонидан севилганига осонгина ишонишади, лекин бошқалар учун бунга ишониш қийин. Ушбу рисолада Матт МакКуллоҳ бу мавзуни “Худо ҳаммани севадими?” деган саволга жавоб бериш орқали ёритади. Бизни Муқаддас Китобда топилган ҳайратланарли жавобга йўналтириш орқали МакКуллоҳ бизга Худонинг барча одамларга бўлган ҳақиқий севгисини ва Унга ишонганларга бўлган махсус севгисини кўришимизга ёрдам беради.

Жамоатга доир Саволлар тўплами жамоат ҳаётига доир кўп учрайдиган саволларга жавоб бериш орқали ўртамиёна масиҳийларни соғлом ва ҳамма учун очиқ бўлган каломий таълимот билан таъминлашга интилади. Ҳар бир қисм соғлом жамоат амалиётини ва унга бағишланишни ривожлантириш мақсадида каломий жавоблар ва амалий хулосалар тақдим этади.

**Матт МакКуллоҳ** Теннесси штатининг Нешвилл шаҳридаги Эджфилд жамоатининг чўпони ва “Ўлимни ёдда тутинг: Тирик умид томон ҳайратланарли йўли” китобининг муаллифи.